Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O‘ZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 21-iyun. Shanba • 75 (31.822) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz




## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

«Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференция муносабати билан Ўзбекистонга ташрифим давомида менга кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром ва меҳмондўстлик учун Сизга чин дилдан самимий миннатдорлик изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сиз билан бирга ушбу ғоят муҳим конференциянинг очилиш маросимида иштирок этиш мен учун улкан шараф бўлди. Анжуман юксак савияда ташкил этилгани ва теран мазмунли маърузалар билан мени ҳайратга солди. Айниқса, Сизнинг нутқингиз менда катта таассурот қолдирди. Ўрта асрларда Шарқнинг буюк алломалари ва мутафаккирлари қилган кашфиётлар, бугунги кунда Сизнинг раҳнамолигингизда илм-фан ва таълим соҳасида эришилаётган улкан ютуқ ва марралар ҳақида жуда кўп фойдали маълумотга эга бўлдим.

Ўзбекистонга қисқа ташрифим давомида Халқаро қуёш энергияси институти, Ботаника боғи, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонада бу ютуқларнинг айримлари билан бевосита танишдим. Олимлар ва илм-фан арбоблари билан фикр алмашиш, мулоқотлар асносида Ўзбекистонда илм-фан ва таълимни ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганига, ўрта асрлар Шарқ олимларининг илмий анъаналарини давом эттирган ҳолда, чуқур билим ва тафаккур мамлакатингиз келажагини таъминлашга йўналтирилаётганига амин бўлдим. Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига, ушбу эзгу ишларга раҳбарлик қилаётганингиз ва бу борадаги саъй-ҳаракатларингиздан ҳайратга тушганимни яна бир бор изҳор этмоқчиман.

ЮНЕСКО Ўзбекистон билан доимо ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келган. Мамлакатингизда ўтказилган самарали мулоқотлардан сўнг Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан-да мустаҳкамлаш учун улкан имкониятлар мавжудлигига ишончим янада ошди.

Жаноби Олийлари, самимий миннатдорлигим ва чуқур ҳурматимни қабул қилгайсиз.

Ҳурмат билан,

**Хуберт ГИЗЕН,**
**ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари, Осиё ва Тинч океани мамлакатларидаги илм-фан бўйича минтақавий ваколатхонаси директори.**

## ЎЗБЕКИСТОН — МАТЕМАТИКА ВАТАНИ

ЎзМУ магистри Аброр Пирнафасовнинг генетик алгебра назарияси борасидаги илмий тадқиқоти жаҳон математика оламида янгилик сифатида эътироф этилмоқда

4

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ







## Иш ўрни ҳақидаги маълумот ортида

### ҳар доим инсон тақдири туради

Ишсиз одамнинг руҳий ҳолатини тасаввур қилиб кўринг. Бундай киши оилада ҳаловат топмайди, қўни-қўшни, маҳалла-кўй орасида ўзини ёлғиз, ноқулай ҳис қилади, ён-атрофида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга кўп ҳам қизиқмайди. Ўқишни тамомлаб, катта ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг ишсизлиги эса жамиятда кўплаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

2

ДИҚҚАТ, ЯНГИ РУКН!

## Биз Ўзбекистон халқ демократик партиясига хайрихоҳмиз!

3

**Партия гуруҳи тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг ўз фаолияти масалалари юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш ҳақида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади.**

*«Сиёсий партиялар тўғрисида» ги қонундан.*



### Португалия:

## ИККИ СОЦИАЛ ПАРТИЯ ҲАМ ЎЗ ҒОЯЛАРИ УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРМОҚДА

3

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ – АМАЛДА

## Ёш сиёсатчи

**Андижонда «Ёш сиёсатчи – 2014» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган танловда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 17 нафар йигит-қиз иштирок этди. Улар лойиҳа тақдимоти, савол-жавоб ва нотиқлик санъати бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш қилди.

— Президентимиз раҳнамолигида яратилаётган кенг шароит ва имкониятлар самарасида ёшларимиз халқаро миқёсда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда, — дейди **Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти кенгаши раиси Абдулҳамид Нурматов.** — Ёшлар ўртасида ушбу танловга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда танловнинг туман ва шаҳар босқичларида 700 нафарга яқин ёшлар фаол қатнашгани фикримизни тасдиқлайди.

Андижон давлат тиббиёт институти 3-босқич талабаси Шоҳрухбек Аҳмадалиев энг юқори балл тўплаб, танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ

## Маънавият масаласи бош масала

**Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Юксак маънавиятли авлод» мавзуида республика ижодий фестивали бошланди. Унда маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, шоир ҳамда ёзувчилар, ижодий лойиҳанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари таклиф этилди.**

Республика Маънавият тарғибот маркази ташаббуси билан илк бор ташкил этилган мазкур фестивалда асосий эътибор «оммавий маданият» ниқоби остидаги маънавий таҳдидларнинг олдини олиш, ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни қарор топтириш, умуман, ёш авлод таълим-тарбиясини ҳар жиҳатдан юксалтириш масалаларига қаратилди.

Фестиваль иштирокчилари Президентимиз асарлари, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жабҳаларда юз бераётган ислоҳотлар, миллий қонунчиликнинг мазмун-моҳияти, бадиий ижод, санъат ва маданиятнинг турли йўналишлари бўйича ўз билимларини намойиш этди. Шунингдек, тадбир давомида истеъдодли ёшлар фаолиятига оид экспозиция ташкил қилинди.

Фестиваль ғолибларини тақдирлаш маросими бугун Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали драма театрида бўлиб ўтади.

**Шаҳбоз Саидов,**
**ЎзМУ талабаси.**

ДИҚҚАТ, «СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ»

## Диққат, «Сиртқи қабул соатлари»

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси электорати ва газетхонларимиз истакларини инобатга олиб, таҳририятимиз «Сиртқи қабул соатлари» рукнини қайта ташкил этишга қарор қилди.**

Маълумки, бу рукн остида давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари сизни қизиқтирган саволларингизга жавоб беради.

Таҳририятимиз мазкур мулоқотларнинг дастлабкисини Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири билан ўтказишни режалаштирган.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояси бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар, яратилаётган имтиёзлар, хусусан, бандлик, касаначилик, ногиронларни реабилитация қилиш, меҳнат ва ижтимоий ҳимояга дахлдор саволларингизга **Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири Актам Хаитов** жавоб беради.

Саволлар 2014 йил 30 июнгача қабул қилинади.

*Мурожаат учун телефонлар:*
(8371) 233-06-83, 233-44-55.
*Факс:* (8371) 233-65-45; 233-47-80.
*Электрон манзил:* info@uzbekistonovozi.uz

O‘ZBEKISTON OVOZI ГАЗЕТАСИНИНГ КЕЙИНГИ СОНИДА ВА САЙТИДА ЎҚИЙСИЗ

Ўзбекистон Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳага йўналтириб келаётган дунёда кам учрайдиган давлатлар қаторига киради...




www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП Китоб туман кенгашида бошланғич партия ташкилотлари билан ишлаш, аъзоларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Бугун Бухоро шаҳридаги мурувват ногирон болалар учун интернат уйида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамда «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ҳамкорлигида «Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, қутқариши мумкин дунёни» хайрия акцияси бўлиб ўтади.

Болажонларнинг ёзги оромгоҳларда мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг эсда қоларли ҳордиқ чиқариши учун турли спорт ўйинлари, тўгарак машғулотлари ташкиллаштирилмоқда. Ўзларига кўрсатилаётган бундай ғамхўрликдан болаларнинг қувончи чексиз.

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича бевосита парламент иштироки ва унинг назоратига асосланган изчил тизим яратилган.

ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИГА МУРОЖААТ ЭТГАН ЭДИМ!

**ЎзХДП электорати диққатига! Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилинг!**

**Хадичабону НУРИДДИНОВА,**
*Самарқанд вилояти,*
*Самарқанд шаҳри, II гуруҳ ногирони:*

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига соғлиғимни тиклашга кўмаклашиш ҳамда ишга жойлашиш масаласида мурожаат қилдим. Касб-ҳунар коллежининг банк-молия йўналиши бўйича тамомлаганман.

Мурожаатим партия томонидан беэътибор қолдирилмади. Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида бир муддат даволаниб чиқдим. Шунингдек, иш масаласи ҳам ижобий ҳал этилди.

Ҳозирги кунда Халқ банкининг Боғишамол туман бўлимида ишлаяпман.

Бошқа сиёсий партияларнинг фаолиятини ҳам кузатиб бораман. Менинг назаримда одамлар ўртасида обрў қозониш учун, энг аввало, ЎзХДПга ўхшаб амалий ишлар қилиш керак.

**Козимжон РАҲИМОВ,**
*Наманган вилояти,*
*Норин тумани, Беруний маҳалласи:*

— Бир куни аёлим Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Фаол аёллар» қаноти томонидан «Соғлом бола — соғлом оилада камол топади» мавзусида ўтказилган тадбирда қатнашибди. Унда мутахассислар, депутатлар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, фуқаролар учун яратилган имтиёзлар ҳақида маълумот беришган.

Буни эшитиб, биз ҳам фарзандимиз саломатлигини тиклашда ёрдам сўраб Наманган вилоят партия кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат этдик.

Партиянинг вилоят кенгаши масъул ходимлари Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан боғланиб, маслаҳатлашишди.

Шундан сўнг бошқарма томонидан Тошкент шаҳридаги педиатрия илмий текшириш институтида даволаниш учун йўлланма ажратишди. Бир муддат у ерда даволаниб қайтдик.

Бугунги кунда фарзандимнинг аҳволи яхши. Бундан, мамнунмиз. ЎзХДПнинг бу каби хайрли ишлари давомли бўлсин.

**Гулчеҳра МАТКАЗИМОВА,**
*Тошкент вилояти,*
*Оҳангарон тумани, Орзу маҳалласи:*

— Касбим ошпаз. Айрим сабабларга кўра, бир муддат ишсиз қолдим. Уч нафар фарзандим бор. Туманимиздаги уч-тўрт корхонага иш излаб бордим. Аммо бўш жой йўқ экан.

Бир куни маҳалламизда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан кўчма Жамоатчилик қабулхонаси ўтказилишини эшитиб қолдим. Мен ҳам шу тадбирда иштирок этдим. Кўплаб маҳалладошларимиз турли масалалар билан мурожаат қилди.

Мен ҳам уларга шароитимни тушунтирдим. Эртаси куни Оҳангарон туман партия кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига бордим. Улар мутахассислигим, яшаш манзилим билан боғлиқ маълумотларни олди.

Маълум бўлишича, менинг мурожаатим билан халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Музаффар Саидкаримов шуғулланаётган экан. Орадан бир ҳафта ўтганидан сўнг депутат мен билан боғланди. Туманимиздаги «Анҳор» хусусий корхонасида бўш иш ўрни борлигини маълум қилди.

Корхонага келиб, меҳнат шароитлари билан танишдим. Маъқул келди. Ишга кирган кунимдан бошлаб меҳнат дафтарчаси очилди. Мен ва оиламга берган беминнат ёрдами учун Ўзбекистон Халқ демократик партиясига миннатдорлик билдираман.

**Маъсума ЖУМАНОВА,**
*Жиззах вилояти,*
*Жаззах шаҳри, II гуруҳ ногирони:*

— Бир ой давомида Республика травматология ва ортопедия илмий текшириш институтида даволаниб келдим. Ҳозир аҳволим яхши. Бунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашига раҳмат айтмоқчиман.

Чунки, март ойида айни шу масалада вилоят кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига мурожаат қилдим. Орадан кўп вақт ўтмай депутатлар кўмагида Соғлиқни сақлаш бошқармасидан йўлланма ажратилди.

Ҳозирда менга холис ёрдам берган партия ҳаёти билан яқиндан танишиб, тадбирларида иштирок этяпман. Уларнинг мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида кўрсатаётган ташаббуслари эътиборга лойиқ.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Нурали ОРИПОВ тайёрлади.**

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

# Иш ўрни ҳақидаги маълумот ортида

## ҳар доим инсон тақдири туради

Бандлик масаласида ҳар бир давлатнинг ўзига хос стратегик сиёсати бор. Лекин шунга қарамай, қатор давлатларда аҳоли бандлигини таъминлаш жиддий муаммога айланиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби иш ўринлари яратиш масаласига тизимли ёндашув шаклланмаганида экани қайд этилмоқда.


ЎзА олган сурат.

Бу борада Ўзбекистонда мукаммал тизим яратишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Юртимизда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ дастурлар 2008-2009 йилларда ҳукумат доирасида қабул қилинган бўлса, 2010 йилдан бошлаб мазкур масала парламентда муҳокама қилиниши йўлга қўйилди.

Дастур лойиҳаси ҳукумат томонидан ишлаб чиқилиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилганда, соҳалар ва тармоқларда яратилиши кутилаётган иш ўринлари бўйича прогноз кўрсаткичлар ҳамда уларни амалга ошириш, иш жойларининг барқарорлигига эришиш имкониятлари атрофлича таҳлил қилиняпти. Олий Мажлис Сенатида дастур ҳудудлар кесими бўйича ҳам муҳокамадан ўтказиляпти. Мана шу босқичма-босқич жараёнда бандлик Дастури ҳар томонлама чиғириқдан ўтяпти. Дунёнинг бирон давлатида иш ўринлари ташкил этишга қаратилган дастурлар бу каби эътибор билан қабул қилинмайди.

Шуларга таяниб айтиш жоизки, мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш бўйича бевосита парламент иштироки ва унинг назоратига асосланган изчил тизим яратилган. Шунинг учун бандлик Дастурини ҳар томонлама пухта тайёрлашга, энг муҳими, унинг ижро механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. Модомики, Дастур парламент томонидан қабул қилинар экан, бундай ҳужжатнинг ҳуқуқий мақоми ҳам юқори ҳисобланади, унинг ижросига кучли масъулият билан қараш зарур бўлади.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси йиғилишида **«2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури»нинг 2014 йил биринчи чорагида ижро этилиши юзасидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Сурхондарё ва Бухоро вилоят ҳокимликларининг ахбороти** эшитилганда бу масала ўта муҳим эканига яна бир бор амин бўлдик.

Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Мазкур йиғилишда Қонунчилик палатаси депутатлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Бухоро, Сурхондарё вилоят ҳокимликлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, масъул ходимлари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришди.

> 2014 йилнинг январь-март ойларида мамлакатимизда 227,9 минг иш ўрни яратилган.

Йиғилишда юртимиздаги барқарор иқтисодий ўсиш, инвестиция, маҳаллийлаштириш ва бошқа қатор мақсадли дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши, молия, банк тизимининг мустаҳкамлиги каби омиллар иш ўринлари очилиши учун қулай шароит яратаётгани қайд этилди.

2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси юзасидан мувофиқлаштирилган чора-тадбирлар кўрмоқда. Маълумотга кўра, Дастурга мувофиқ 2014 йилнинг январь-март ойларида мамлакатимизда 227,9 минг иш ўрни яратилган. Бу рақам Дастурнинг биринчи чоракдаги ижроси режага нисбатан юқори фоизда бажарилаётганини кўрсатади.

«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунга асосан меҳнат бозорини таҳлил этиш, унинг истиқболини белгилаш, бандлик даражасини ошиpишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, бу масалалар юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий меҳнат идораларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги зиммасига юклатилган.

Йиғилишда Дастурнинг 2014 йил биринчи чорак якуни бўйича ижроси ҳақидаги ахбороти эшитилиб, вазирлик қатор ижобий ишларни амалга ошириб келаётгани эътироф этилди. Ҳисобот даврида, хусусан, барча туман ва шаҳарларда 231 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилган. Уларда 11,3 мингдан ортиқ кишига йўлланмалар берилган. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш чоралари давом эттирилмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳудудий меҳнат идораларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиши, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини кучайтириши зарурлиги таъкидланди.

Жорий йил 17 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг «2013 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида»ги қарорига асосан ижтимоий соҳани ривожлантириш, иш ўринлари ташкил этиш ва аҳолини иш билан таъминлаш 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар раҳбарлари 2014 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бажарилиши, 2013-2014 ўқув йилида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ишга жойлаштирилиши бўйича шахсан жавобгар эканликлари таъкидланган.

**Улуғбек ҲОЖИБЕКОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

– *Сурхондарё ва Бухоро вилоят ҳокимликларининг Дастур ижросини биринчи чоракда таъминлаш юзасидан ахборотлари эшитилганда, мазкур вилоятларда ўтказилган назорат-таҳлил жараёнида бу масалаларга алоҳида эътибор берилди. Ушбу вилоятларда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қатор ютуқлар қўлга киритилган.* ***Маълумотларга кўра, Сурхондарё вилоятида биринчи чоракда 15933 иш ўрни яратилган (режага нисбатан 104,8 фоиз). Бухоро вилоятида эса 18415 иш ўрни ташкил этилган (режага нисбатан 108,6 фоиз).***

*Сурхондарё ва Бухоро вилоятларида иш ўринларининг барқарорлиги, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, малакасини ошириш масалаларида эътиборсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилаётган ҳоллар бор.* Назорат-таҳлил тартибида ўрганиш натижалари Сурхондарё ва Бухоро вилоят ҳокимликлари касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш масаласига етарли даражада эътибор қаратмаётганини кўрсатмоқда. Шунингдек, Бухорода қуролли кучлар сафидан захирага бўшатилган фуқароларни иш билан таъминлаш ишлари самарали олиб борилмаяпти, Сурхондарёда эса иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастури ижроси мониторинги етарли даражада йўлга қўйилмаган. Мазкур ҳолатлар «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7- ва 8-моддалари тўлиқ бажарилмаётганидан далолат беради.

Йиғилишда бандлик Дастури ижросини таъминлаш, иш ўрни ташкил этилгани, битирувчиларнинг ишга жойлашгани ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлигига эришиш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, шу асосда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси тегишли таклиф ҳамда тавсиялар берди, тегишли қарор қабул қилди.

Бандлик дастури қандай ижро қилинаётгани тегишли маълумотлар орқали билинади. Бундай маълумотлар ортида, аввало, инсон ҳуқуқи ва манфаати туради. Маълумотлар бандликни таъминлашнинг кейинги чораларини белгилашда асос қилиб олинади. Агар уларда ҳаққонийлик етишмаса, вазиятни тўғри баҳолаш имкони ҳам бўлмайди.

**Тўлқин ТЎРАХОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

ДЕПУТАТ ВА САЙЛОВЧИ

# Долзарб масалалар бўйича аҳоли таклифлари ўрганилмоқда

Дастлаб мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги янгиланишлар, энг аввало, халқимиз турмуш фаровонлиги йўлида амалга оширилаётгани ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиб берилди.

Шунингдек, Бош қомусимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатни модернизациялаш ҳамда демократик ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишнинг конституцион асосларини мустаҳкамлагани, ривожланган демократик давлат барпо этиш, халқимизнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш каби эзгу мақсадларга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Қўшкўпир шаҳарчасида ўтказилган мулоқотларда иштирок этган **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Хайрулла Рўзметов** қабул қилинаётган қонунлар, «Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида ижтимоий ҳимояни кучайтириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси, бу борада доимий жамоатчилик ва парламент назоратини ўрнатиш, мазкур масалаларда аҳолининг хабардорлигини ошириш бўйича фикр юритди. Сайловчилар эса депутатга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этди.

Шунингдек, сайловчилар томонидан кўтарилаётган ҳар бир масала, таклиф, албатта, эътиборга олиниши ва уларни ижобий ҳал этиш чоралари кўрилиши зарурлиги, бу жараёнда партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаол бўлиши лозимлиги таъкидланди.

Тадбирда **ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Раимберган Сабуров** давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, бу борада қабул қилинган қонуннинг аҳамияти, кучли фуқаролик жамияти барпо этишдаги роли хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Мулоқотлар давомида сайловчилар томонидан Қўшкўпир туманида саноатни ривожлантириш, шунинг ҳисобидан иш ўринлари ташкил этиш, давлат дастурларига ҳудудда катта-кичик саноат корхоналари қуриш лойиҳаларини киритиш борасида таклифлар берилди.

Шунингдек, икки ёшгача бўлган болаларга бериладиган нафақа, олий ўқув юртларида тўлов-шартнома асосида ўқиётган талабалар учун таълим кредитлари бериш масалаларида мурожаатлар бўлди. Тадбир туманнинг Ўзбекёп, Кенагас ва Янгилик қишлоқ фуқаролар йиғинларида ҳам ўтказилди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Хайрулла Рўзметов туманда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда иш берувчи корхона ўртасида имзоланаётган уч томонлама шартномалар қандай бажарилаётганини ҳам ўрганди. Унинг натижаларига кўра, аниқланган айрим камчиликлар, бартараф этилиши зарур бўлган муаммолар халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан биргаликда муҳокама этилди. Уларнинг ечими юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

> **Аниқланган айрим камчиликлар, бартараф этилиши зарур бўлган муаммолар халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи билан биргаликда муҳокама этилди.**

Шунингдек, депутат туман ЎзХДП бошланғич ташкилоти фаолияти билан яқиндан танишди. Партиядошларимиз олдида турган муҳим вазифалар хусусида сўз юритди. Янги қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти ҳақида кенг тушунча берди.

**Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.**

БИЗ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИГА ХАЙРИХОҲМИЗ!

**Баҳром ХОЛДОРОВ,**
*«МЕҲР-ШАФҚАТ ВА САЛОМАТЛИК» ЖАМОАТ ФОНДИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ВАКОЛАТХОНАСИ РАИСИ:*



— Халқимизда азалдан дунёни меҳр-мурувват қутқаради, деган гап бор. Бу бежиз эмас. Етим-есирларнинг бошини силаш, муҳтожларга ёрдам бериш, кекса ва ногиронларга кўмаклашиш одамларимизнинг қон-қонига сингиб кетган қадриятлардан ҳисобланади. Шундан бўлса керак, мурувватли, саховатли одамлар эл орасида катта обрў-эътибор қозонади.

Саховат — бу фақат моддий ёрдам, совға-салом дегани эмас. Касбимиз туфайли жисмоний имконияти чекланган инсонлар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб турамиз. Бундай одамлар учун баъзан бир оғиз ширин сўз, кичик эътибор жуда катта далда. Уларнинг ҳаётга, яшашга бўлган интилиши, курашиши шунинг ўзи етарли.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ғоя ва қарашлари мана шундай эзгу тушунчалар билан йўғрилгани мени ўзига жалб этди. Бундан олдин Ногиронлар жамиятида ишлаган пайтимда яъни, 1996 йилдан мазкур сиёсий куч фаолиятини кузатиб келаман. Шунингдек, партия дастури билан «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг мақсад вазифалари моҳиятан бир-бирига жуда яқин эканлиги ҳам хайрихоҳлигимни оширди.

Фондимиз асосан ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд одамлар — ногиронлар, ёлғиз кексалар, Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига ҳомийлик ёрдами кўрсатса, ЎзХДП уларнинг маънавий-руҳий дунёсига кириб боради, тақдир тақозоси билан кўнгли ярим бўлиб қолган одамларга жамиятнинг фаол аъзоси эканлигини ҳис қилишига ёрдам беради.

Ҳозирда ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши томонидан жисмоний имконияти чекланган одамлар, кам таъминланган оилалар, ёрдамга муҳтож кексаларни қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ўтказиладиган тадбирларда мунтазам қатнашиб келаман. Ўз навбатида, фонд томонидан ташкил этиладиган турли йиғилиш ва семинарларга доимо партия фаолларини жалб этамиз. Бундай учрашувлар, энг аввало, ўзаро фикр ва тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Феруза ҚОСИМОВА,**
*СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ, МИРЗАОБОД ТУМАНИДАГИ «НАВРЎЗ» ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИ МУДИРИ, УМУМАМАЛИЁТ ШИФОКОРИ:*



— Бундан икки йил аввал хизмат сафари билан Тошкент вилоятининг Бўка туманига бордим. Тасодифан ҳудуддаги қишлоқ врачлик пунктларининг бирида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга бағишлаб, тадбир ўтказилаётганига гувоҳ бўлдим. Бевосита касбимга алоқадор бўлгани учун ҳам унда иштирок этдим. Тадбир юқори савияда, кўтаринки руҳда ташкил этилгани билан менда жуда катта таассурот қолдирганди. Ҳатто, партия ташаббуси билан қишлоқ хотин-қизлари ва болалар ўша ернинг ўзида малакали мутахассислар томонидан тиббий кўрикдан ўтказилди.

Ўшанда ЎзХДП одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, уларнинг ишончига сазовор бўлган сиёсий куч эканини англадим. Шундан бери мазкур партия фаолиятини мунтазам кузатиб келаман. Айниқса, унинг соғлиқни сақлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, оилада тиббий маданиятни ошириш борасидаги интилишлари таҳсинга лойиқ.

Етти йилдан буён қишлоқ врачлик пунктига раҳбарлик қиламан. Муассасамиз 3654 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Бугун қишлоғимиз фуқароларининг ўзи ва фарзандлари саломатлигига бўлган муносабати ижобий томонга ўзгарган. Авваллари биз уйма-уй юриб уларни тиббий кўрикдан ўтишга чақирардик. Ҳозир одамлар ўз ихтиёри билан келаяпти. Соғлом бола йилида ЎзХДП туман кенгаши билан аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйдик.

**Санжар ҚУРБОНОВ,**
*НАВОИЙ ВИЛОЯТИ, «НАВОИЙ ЁШЛАРИ» ГАЗЕТАСИ БОШ МУҲАРРИРИ:*



— Яқинда бир дўстимнинг таклифи билан Навоий давлат педагогика институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўтказилган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида иштирок этдим. Аввал ҳам бошқа партияларнинг ёшлар мавзусига тегишли тадбирларида касб тақозоси билан қатнашганман, аммо биринчи марта ҳақиқатда ёш авлод камолотига хизмат қиладиган, ўғил-қизларни жамиятда ижтимоий-сиёсий фаол бўлишга ундайдиган, уларни келажакка жиддий мақсадлар, катта-катта режалар билан қадам қўйишига кўмаклашадиган тадбирга гувоҳ бўлишим.

Танлов иштирокчиларининг партия дастурий мақсадларидан келиб чиқиб тайёрлаган бир-биридан қизиқарли ва долзарб лойиҳалари, бирор ижтимоий муаммони бартараф этишга қаратилган таклифлари, уларнинг ҳакамлар ҳайъати — депутатлар билан дадил баҳсга киришиши, минбарда ўзига ишонч билан нутқ сўзлаши, умуман, барча-барчаси менда катта таассурот қолдирди. Улар тимсолида бўлғуси етук сиёсатчилар, депутатлар, партия раҳбарларини кўрдим.

Аслида, авваладан мазкур сиёсий кучнинг ғоя ва қарашларига бефарқ эмасман. Аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимояси, кам таъминланган оилалар ҳамда ногиронлар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш борасидаги самарали фаолияти туфайли партия одамлар ишончини қозонаётганидан ҳам хабарим бор. «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловида эса партиянинг ўзим учун номаълум бўлган қирралари — иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган интилишларини кашф этдим. Сиёсий кучга бўлган хайрихоҳлигим янада ошди.

**«Ўзбекистон овози» мухбири Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ тайёрлади.**

ЖАҲОН МАМЛАКАТЛАРИ СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРИ ВА ПАРЛАМЕНТЛАРИ

# Португалия: ИККИ СОЦИАЛ ПАРТИЯ ҲАМ ЎЗ ҒОЯЛАРИ УЧУН КУРАШ ОЛИБ БОРМОҚДА



**Европанинг ривожланган демократик давлатларидан бири ҳисобланадиган Португалия ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда Португалия парламенти — Ассамблеяда депутатлик ўринларини қўлга киритиш учун 7 сиёсий партия кураш олиб боради. Шунингдек, мамлакатда ўндан ортиқ ҳудудларда фаолият кўрсатадиган партиялар ҳам мавжуд.**

Ушбу давлатда парламент бир палатали бўлиб, унда 230 нафар депутат ишлайди. Улар 4 йил муддатга сайланади. Сайловлар мамлакатдаги 22 сайлов округларида ўтказилади. Сайлов қонунчилигига кўра, сайловгача ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролар овоз бериш ҳуқуқига эга.

Сўнгги йилларда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида турли воқеалар рўй бермоқда. Мисол учун, Португалияда сўнгги парламент сайловлари муддатидан олдин ўтказилди. Чунки депутатлар Бош вазир Жозе Сократешга нисбатан ишончсизлик вотуми эълон қилди.

Натижада Бош вазир 2011 йил 23 мартда истеъфо берди. Шундан сўнг 2011 йил июнь ойида муддатидан олдин парламент сайловлари ўтказилди.

Португалияда пропорционал сайлов тизими амал қилади. Мазкур сайловларда бир ўрин учун айрим сайлов округларидан 2 номзод кўрсатилса, баъ-



зиларида 48 номзод кураш олиб боради.

Бугунги Португалия сиёсий ҳаётига эътибор берсак, ундаги ўзига хос хусусиятлардан бири парламентдаги ўринлар учун асосий кураш Социал-демократик партия ҳамда Социал партия ўртасида кечаётганидир.

Бевосита сайлов натижаларини кузатадиган бўлсак, Социал-демократик партия сайловчиларнинг 38,7 фоиз овозини олиб, Ассамблеяда 108 мандатни қўлга киритди. Бу натижа уларга парламентда энг кўп ўрин олиш учун етарли бўлди.

Партиянинг олий органи Миллий Конгресс ҳисобланади. Унинг штаб-квартираси Лиссабон шаҳрида жойлашган.

Португалиядаги етакчи сиёсий кучлардан яна бири — Социал партия ҳисобланади. Социал-демократия ғояларини илгари сурадиган мазкур партия охирги парламент сайловида 74 ўринни қўлга киритди. Натижада ўзининг асосий рақобатчиси бўлган Социал-демократик партияга ютқазиб қўйди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, ўтган бир неча сайловларда бу партия парламентда кўпчилик ўринларни эгаллаётган эди. Хусусан, 2005 йилги парламент сайловида 121, 2009 йилда эса 97 ўринни қўлга киритганди. Сиёсатчиларнинг фикрича, мазкур партия ўз ғояларини янада такомиллаштириши, аҳолини ўйлантираётган масалаларни чуқурроқ ўрганиши, мамлакатнинг ривожланиш стратегиясини белгилашда уларнинг хоҳиш-иродасини кўпроқ инобатга олиши зарур. Шунда сиёсий партиянинг тарафдорлари кўпаяди, ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатда муваффақиятга эриша олади.

Антониу Жозе Сегуро етакчилигидаги социалистлар 2015 йилда ўтадиган сайловларга катта тайёргарлик кўрмоқда. Улар ўз сайловолди дастурида таълимни ислоҳ қилиш, ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатларни кўпайтириш, иқтисодиётни янгилаш, замонавий технологияларни жорий қилиш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш каби долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратмоқда.

Ўтган сайловлар улар учун бироз муваффақиятсиз якунланган эди. Мазкур сиёсий партия 2005 йилда парламентда 75, 2009 йилги сайловларда эса 77 ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлганди.

Таҳлилчиларнинг фикрича, сўнгги сайловдаги ғалаба кўп жиҳатдан 2010 йилдан буён партияга етакчилик қилаётган Педру Пасуш Коэлью номи билан боғлиқ.

Ушбу сиёсий партия фаолиятининг ўзига хос жиҳати, бошқа социал партиялардан фарқли ўлароқ, кўпроқ консерватизм ғояларини қўллаб-қувватлайди. Шунингдек, аҳолига муносиб меҳнат шароитлари яратиш, иш ўринларини кўпайтириш масаласи ҳам уларнинг доимий диққат-эътиборида.

Бундан ташқари, Португалия парламентида Халқ партияси, Демократик коалиция, Португалия коммунистик партияси, Яшиллар партияси ҳамда Сўл блок сингари сиёсий кучлар ҳам маълум миқдорда депутатлик ўрнини қўлга киритган.

Умуман олганда, ҳар иккала социал партия ҳам ўзаро қарама-қарши ғояларни илгари сурмасин, барча саъй-ҳаракатлар мамлакат тараққиётига, одамлар фаровонлигига қаратилгани билан эътиборга сазовордир.

**Нурали ОРИПОВ**

БУНЁДКОРЛИК

# Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун

**Бугун Сурхондарёда олиб борилаётган ободончилик, бунёдкорлик, янги иш ўринлари яратилиши замирида мана шу тамойил мужассамлашган.**

Биргина жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоятда ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 128,1 фоизга бажарилган. Айниқса, саноат, қурилиш, пудрат ва бошқа соҳаларда барқарор ривожланиш кузатилди.

Воҳанинг саноат салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада жорий йилнинг ўтган даврида 310,6 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Бу 2013 йилнинг шу даврига қараганда 109,5 фоизни ташкил қилади.

Шунингдек, таълим тизимини ривожлантириш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда бу йил 14 коллеж, 30 умумтаълим мактаби, 9 соғлиқни сақлаш муассасаси, 11 спорт иншооти ҳамда мусиқа ва санъат мактабларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш орқали янги иш ўринлари ташкил этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада молия муассасаларининг алоҳида ўрни бор. Жорий йилнинг ўтган уч ойида молия муассасалари соҳа ривожи учун 1 миллиард 330 миллион сўмга яқин маблағ ажратди. Натижада 8 минг 700 киши муқим иш ўрнига эга бўлди.

— Амалдаги йилда воҳада 66 минг 96 янги иш ўрни яратиш белгиланган, — дейди **вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси масъул ходими Холмирзо Холмуродов.** — Бу саноат корхоналарини ишга тушириш, мавжудларини қайта қуриш, кенгайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан амалга оширилади. Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш муҳим вазифа сифатида белгиланган. Бу йил 115 касб-ҳунар коллежларини 46 минг нафарга яқин йигит-қиз тугаллайди. Уларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланган. Бугунгача 14 марта меҳнат ярмаркаси ташкил этилди ва барча соҳалар ҳисобидан 16 мингга яқин фуқаро бандлиги таъминланди.

Қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар бугун нафақат аҳолининг турмуш тарзини, балки ҳаётга бўлган муносабатини ҳам ўзгартирди. Ўтган йилларда 3 мингга яқин намунавий уйлар ўз эгаларига топширилган бўлса, бу йил 880 янги уй-жойларда уй тўйлари ўтказилади.

— Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш мақсадида жорий йилда юзга яқин аҳоли пунктларида таъмирлаш реконструкция ишлари олиб борилди, — дейди **вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари Олимжон Севаров.** — Бу борада дастлабки ярим йилда 14 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажарилади. Йил охирида эса Қумқўрғон, Олтинсой, Узун, Бойсун, Денов, Музработ ва бошқа туманларнинг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида истиқомат қиладиган аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси янада яхшиланди.

Бундан ташқари, енгил саноат соҳасида 34,8 миллион долларлик истиқболли лойиҳалар амалга оширилиб, 5 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилади. Сариосиё туманидаги пайпоқ ишлаб чиқариш корхонаси эса иш бошлаш арафасида. Шўрчи туманидаги «Мўмин текстиль» масъулияти чекланган жамияти ҳамда Қумқўрғон туманидаги «Қумқўрғон механика заводи» масъулияти чекланган жамияти негизида ип-калава тайёрлаш корхоналарида ёшлар учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Жарқўрғон туманидаги «Телатекстайл» қўшма корхонасининг биринчи навбати ишга туширилиб, 22,5 миллион квадрат метр ип-газлама тайёрлаш йўлга қўйилади.

Вилоят ҳудудидан ўтувчи халқаро, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларни реконструкция қилиш учун 167 миллиард сўмлик иш бажарилади. Шерободда цемент заводи қурилиши бошланди. Шарғун ҳамда Тўда кўмир конларининг қувватларини ошириш ҳисобига кўмир қазиш ҳажми 900 минг тоннага етказилиши режалаштирилган.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

# Янги иш ўринлари

**Муборак туманида йирик саноат корхоналари анчагина. Улар қатори хусусий корхоналар ҳам кенг ривожланиб бормоқда. «Базалт Агрохим» масъулияти чекланган жамият шулардан бири.**

Бу ташкилот Қарлиқ ҳудудида алоҳида маиший хизмат тизимини яратди. Мукаммал лойиҳа асосида қурилган бинода тикувчилик цехи, савдо дўкони, сартарошхона, гўзаллик салони, пойабзал таъмирлаш устахонаси жойлашган. Керакли жиҳозлар ҳам келтирилди. Натижада 20 нафар киши ишли бўлди. Уларнинг асосий қисми ёшлардир.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

РЕКЛАМА

*Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари диққатига!*

## «БУХОРО» ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ДУК

**2014 йил манзилли рўйхатга киритилган қуйидаги объект бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**Лот-3. «Бухоро» халқаро аэропорти чегара назорат пункти ҳудудида видеокузатув тизимини ўрнатиш»**

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:** ҚҚС билан — 203 888 567 сўм, ҚҚСсиз — 169 907 139 сўм.

**Қурилиш ишларини тугатиш муддати** — 2014 йил 1 декабрь.

**Қурилиш ишлари** буюртмачининг ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

**Танлов савдоси ташкилотчиси** — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

**Буюртмачи:** «Бухоро» халқаро аэропорти ДУК.

**Манзили:** Бухоро шаҳри, Баҳоуддин Нақшбанд шоҳ кўчаси, 251-уй. Телефон: (8-365) 225-09-09, факс: 225-07-07.

**Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:** танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малака, танловга қўйилган объектга ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга, **шунингдек, тоифаланган объектларда ишлаш учун тегишли ташкилотларнинг рухсатномасига** эга бўлишлари лозим.

Танлов савдосида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов савдосида қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан танлов савдоси ташкилотчиси — Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй. Телефон/факс: (8-365) 223-97-51, 223-96-29.

*Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг қиймати — 120 000 сўм.*

Таклифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда берилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Бухоро шаҳри, Навоий шоҳ кўчаси, 6-уй.

Ўз даврида маърифатли дунё фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбеклар асос солган ва оламга довруғ таратган илмий мактаблар зиёсидан баҳраманд бўлган эди. Энди навбат авлодларга!

АЛ-ХОРАЗМИЙ АВЛОДЛАРИ

# ЎЗБЕКИСТОН — МАТЕМАТИКА ВАТАНИ

## ЎзМУ магистри Аброр Пирнафасовнинг генетик алгебра назарияси борасидаги илмий тадқиқоти жаҳон математика оламида янгилик сифатида эътироф этилмоқда

**Физика-математика фанлари доктори, профессор Расул Ғаниҳўжаевнинг қайд этишича, Ўзбекистонда генетик алгебра соҳасига «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби, академик Тошмуҳаммад Саримсоқов томонидан асос солинган. У кишининг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида Тошкентда биологлар билан ҳамкорликда пахта селекциясининг математик моделини яратишга бағишланган йирик халқаро семинар ташкил этилган...**


Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Бугун Ўзбекистон Миллий университетида яратилган математика мактабининг жаҳоншумул довруғи янги авлод — мустақиллик фарзандлари тимсолида қайтадан намоён бўлмоқда.

*Аброр Пирнафасов 1991 йилда Бухоро вилоятида туғилган. Қоракўлдаги мактаб-интернатда таҳсил олган. Ҳозирда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети магистри. Математика бўйича Республика ва Халқаро олимпиадалар ғолиби. Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги «Юқори натижаларга эришган бир гуруҳ иқтидорли ёшларни мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, у «Шуҳрат» медали билан тақдирланган. Шу йилнинг 20-23 май кунлари Калифорния штатида табиий фанлар бўйича ўтказилган Биринчи Ўзбек-Америка конференциясида генетик алгебра назариясига оид маърузаси билан иштирок этган.*

Аброрнинг айтишича, унда математикага бўлган қизиқиш ҳавасдан бошланган.

— Кўпчиликка маълумки, Қоракўлдаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчилари математика фани бўйича халқаро олимпиадаларда иштирок этиб, жуда кўп марта ғолиб бўлишган. Бу бутун республикада катта шов-шув бўларди, — дейди у. — Ўқитувчиларимиз уларнинг ютуқлари ҳақида фахр билан сўзларди. Мактабнинг 9-синфини тамомлагач, ўқишни айнан Қоракўлда давом эттирдим.

— 2008 йилда Аброр Республика миқёсида ўтказилган саралаш баҳсларида математика фани бўйича Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси таркибига киришга муваффақ бўлди, — дейди **Халқаро математика олимпиадаси ҳакамлар ҳайъати аъзоси, физика-математика фанлари номзоди, доцент Шуҳрат Исмоилов.** — Испания пойтахти Мадридда бўлиб ўтган 49-Халқаро математика олимпиадасида иштирок этиб, махсус диплом билан тақдирланди. У АҚШда чоп этиладиган «Mathematical reflection» журнали, шунингдек, Бутунжаҳон MathLinks математиклар интернет форумида эълон қилинган мураккаб масалаларни ечиб, ўз иқтидорини намоён этди.

Германиянинг Бремен шаҳрида ўтказилган навбатдаги олимпиадада 104 давлатдан келган 565 нафар ўқувчи орасида 3-ўринни эгаллаб, бронза медалини қўлга киритди.

Халқаро математика олимпиадаси совриндорлари дунёнинг энг нуфузли олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинади. Аброр эса Ўзбекистон Миллий университетини танлади. Айни пайтда у алгебра ва функционал таҳлил кафедрасида математиканинг энг мураккаб ва истиқболли соҳаларидан бири — генетик алгебра назарияси бўйича тадқиқот олиб боряпти.

— Синергетика кейинги ўттиз йилда илмий истеъмолда фаол қўлланиладиган терминга айланди, — дейди **Расул Ғаниҳўжаев.** — Бу терминнинг луғавий маъноси муайян амалий масалани ечишда турли фанларнинг бирлашуви, ҳамкорлигини англатади. Генетик алгебра назарияси — биологияда вақт ўтиши билан ўзгарадиган динамик системаларни математик усулда ўрганишдир. Масалан, қон гуруҳларини олайлик. Замонавий медицинада тўрт хил қон гуруҳи мавжудлиги аниқланган. Бироқ давомли генетик жараён натижасида кейинчалик, айтайлик, юз йилдан сўнг уларнинг таркибида ўзгариш юз бериши, янги қон гуруҳлари пайдо бўлиши ёки аксинча, улардан бири бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин.

Худди шунингдек, бу ҳол ирсиятлар, тирик организмга хос белги ва хусусиятлар билан ҳам кузатилиши эҳтимоли мавжуд. Аброрнинг илмий изланишлари шу каби биологик ҳодисаларни математик усулда ўрганишга қаратилган. Бу эса генетикада содир бўладиган ўзгариш, вақт ўтиши билан қандай оқибатларга олиб келишини аввалдан айтиш, башорат қилиш имконини беради.

— 1865 йили таниқли австриялик олим Мендель классик генетикага асос солиб, унинг принципларини кашф қилган, — дейди **Шуҳрат Исмоилов.** — Шу боис ҳозирги кунда классик генетикага математиканинг бир соҳаси сифатида қаралмоқда. Айни пайтда тасодифий омиллар таъсирида популяциялар ўзгариши динамикасини ўрганиш соҳадаги долзарб муаммолардан ҳисобланади. Аброр симплексларда аниқланган квадратик стохастик операторлар назарияси билан ҳам шуғулланмоқда. Бундай операторлар популяциялар генетикаси динамик системаларининг самарали математик модели сифатида тан олинмоқда. Ўйлайманки, тез орада бу йўналишда Аброр томонидан қўлга киритилган илмий натижалар жаҳон математикаси ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

— Президентимизнинг «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро илмий конференциянинг очилиш маросимидаги маърузасини ҳаяжон билан тингладим. Унда ўзим учун кўп ҳақиқатларни қайта кашф этдим, — дейди **Аброр Пирнафасов**. — Айниқса, ал-Хоразмийнинг ўнлик позицион ҳисоблаш тизими, ноль белгиси ва қутблар координаталарини биринчилардан бўлиб асослаб бергани, бу математика фани ривожида кескин бурилиш ясагани, Шарқ олимлари орасида фақат унинг номи ва асарлари «алгоритм» ва «алгебра» каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилгани ҳақидаги фикрлардан руҳланиб кетдим. Ўзбекистон — математика ватани эканлиги дунёнинг бугунги кундаги энг машҳур олимлари иштирок этган анжуманда янграavailable.

Мамлакатимиз раҳбари **буюк аждодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак, айни вақтда фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинглар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик,** дея таъкидлади. Бу бежиз эмас.

Ҳақиқат шуки, ўз даврида маърифатли дунё фарғонийлар, хоразмийлар, берунийлар, ибн синолар, улуғбеклар асос солган ва оламга довруғ таратган илмий мактаблар зиёсидан баҳраманд бўлган эди.

Энди навбат авлодларга!

**Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



## Дунё

### Полиэтилен ўғитга айланади



Яқинда Астрахан областида ёш олимларнинг илмий ишларига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда астраханлик талаба-олима Анна Каширская томонидан кашф қилинган янги препарат кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Маълумки, бугунги кунда дунё бўйича оммавий ишлатилаётган полиэтилен халталар ташлаб юборилгач, табиий атроф-муҳит шароитида юз йилдан минг йилгача бўлган даврда тупроққа қоришиб, чириб йўқ бўлади. Шу қадар узоқ вақт чиримай сақланиб туриши эса табиатга анчагина зиён келтиради.

Талаба-олима айнан полимер чиқиндилар чиришини тезлатадиган препарат яратди. Яъни, тупроқ таркибидан олинган микроорганизмлар асосида яратилган янги восита, аниқроғи, бактерия мазкур полиэтилен чиқиндиларини 7 йилдаёқ чиритиб, ўғитга айлантиради, дея хабар беради «Аргументы и факты» ҳафталиги.

### Аввалги «мобилник»лар модага қайтмоқда



Мобиль алоқа тармоғи экспертлари маълум қилишича, дейилади «Мир новостей» ҳафталиги чоп этган ахборотда, бугунги кунда урфда бўлган смартфонлар катта ёшдаги кишилар орасида оммавийлигини йўқотиб бормоқда.

Шуниси ажабланарлики, катта ёшдагилар сенсорли смартфонларни эмас, балки мобил телефонларнинг аввалги авлоди — пластик тугмачали, кичик ва оқ-қора экранли мобил телефонларни афзал билмоқда. Шу боис айрим мобил алоқа компаниялари яна «эски мода»га қайтиш ҳаракатини бошладилар. Яъни, пластик тугмачали, кичик экранли қўл телефонлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Буларнинг афзаллиги шундаки, дейишмоқда катта ёшдагилар, ерга тушиб кетса кам шикастланади, тугмалари рақам теришга қулай, кам қувват сарфлайди.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

# Ҳаётнинг «тонг ва шом»лари

**Бир сиқим тупроқни қуёшга тутаман. Майин заррачалар бармоқларим орасидан шовуллаб тўкилади. Тупроғимизда Менделеев даврий жадвалидаги барча моддалар борлиги аниқланган. Бу — олимларнинг тадқиқи. Яхши ёзилган китоб ҳақида ҳам шундай ўйласа бўлади. Завқлантира олдими, демак, унда ҳам камёб ва ноёб ҳислар бор. Унинг тадқиқотчиси эса ўқувчидир.**




Дунёнинг талай нуқталарида шафқатсизлик, низо ҳукм сураётган бир шароитда ёруғ ўйлар билан ёзилган асарларга эҳтиёж сезилади. Шоир Зиёвиддин Мансурнинг икки китобини ўқиган киши одамлар орасида камёб бўлиб бораётган меҳрни, эътиқодни кўргандай бўлади.

Шоирнинг қўш китоби ҳам бир вақтнинг ўзида ўқувчига туҳфа этилди. **«Онагинам, онажонгинам»** тўплами она мадҳига бағишланган бўлса, **«Шом ва тонг»** достони замирида халқимизнинг мустақилликка эришиши, истиқлол аталмиш саодат ва бугунги шукроналик дамлари қаламга олинган.

Нега дунёда тинчликни, онани куйлаб ёзилган достонларнинг ҳисоби йўқ. Чунки бебаҳо неъматларга баҳо бериш мушкул. Достон битинг, шеър ёзинг, куйга солинг — барибир кам. Шоирнинг икки тўплами ҳам китобхонни шундай самимий туйғуларга ошно қилади. Улар ўтмиш ва бугуннинг ёруғ хотираси шарафига битилган асарлардир. Зеро, шоир ёзганидек:

**Мана, бу кун бахтимиз бутун,**
**Юртимиз — Ҳур, обод ва кўркам.**
**Шу кунларни қадрлаш учун**
**Эслаш зарур у кунларни ҳам...**

**Бобур ЭЛМУРОДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

*Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!*

## СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

**қуйидаги объект қурилиши бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**Сурхондарё вилояти, Термиз тумани «Солиобод» маҳалласида маҳалла гузари қурилиши.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 222,354 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 185,295 млн. сўм, қурилиш муддати — 3 ой.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзили:** Термиз шаҳри, А.Бакуменко кўчаси, 5-уй. Тел/факс: (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — «Маҳалла» хайрия жамоат фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.**

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:** Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда **ўтказилади.**

## «АСАКА» БАНКИ ОАЖ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ

**қуйидаги объектни реконструкция қилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳрида жойлашган «Асака» банки ОАЖ Сурхондарё вилоят филиали биносини реконструкция қилиш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** қўшилган қиймат солиғи билан бирга — 607,895 млн. сўм, қўшилган қиймат солиғисиз — 506,579 млн. сўм, қурилиш муддати — 190 кун.

**Буюртмачи:** «Асака» банки ОАЖ Сурхондарё вилоят филиали.

**Манзили:** Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 45-а уй. Тел/факс: 770-82-20, 770-82-13.

Объектнинг қурилиш ишларини молиялаштириш ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдоларида оферталар баҳоланиб, кўрсаткичлар тенг бўлганда, устунлик кичик бизнес корхона ва ташкилотларига берилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Даварxитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилоят ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: **Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уй. Телефон/факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76.**

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 100 000 сўм.**

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда:** Термиз шаҳри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда **ўтказилади.**

## «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ

«InFinBank» ХОАТБнинг 2014 йил 18 июндаги 1-9/4199 сонли хатига асосан, «Ўзбекистон овози» газетасининг 2014 йил 3 май, 53-сонида берилган эълондаги 2014 йил 5, 12, 19 ва 26 июнь кунлари аукцион савдоларига қўйилган «InFinBank» ХОАТБнинг «TASHKENT TRANS AVTO» МЧЖ устав фондидаги 100 фоиз улуши бўйича савдо кунлари 2014 йил 3, 10, 17 ва 24 июлгача узайтирилганлигини маълум қилади.

Шунингдек, мазкур эълон матнидаги «Очиқ аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 50 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, қолган қисмини олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт» сўзлари «Очиқ аукцион ғолиби улушнинг сотилиш баҳосидан 15 фоизи миқдоридаги маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат ичида, қолган 85 фоизини олди-сотди шартномасида белгиланган муддатда сотувчининг ҳисоб рақамига тўлаши шарт» деб ўқилсин.

**Гувоҳнома №005357**

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari: Farrux HAMROYEV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 660
18391 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 22.25
Topshirilgan vaqti — 23.25
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Bobur ELMURODOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG‘ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5